

# Росулуллоҳнинг ташқи қиёфалари (2)

Шамоили Муҳаммадия китобига изоҳли ва эркин таржима

[ Ўзбекча ]

**باب ما جاء في خلق رسول الله صلى الله عليه وسلم (2)**

ترجمة وتعليقات حرة على كتاب الشمائل المحمدية للترمذى

[باللغة الأوزبكية]

Абу Ийсо Мухаммад ибн Ийсо ат-Термизий

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذى

**Таржимон:** Абдуллоҳ Шариф

ترجمة: عبد الله شريف

**Нашрга тайёрловчи:** Шамсиддин Дарғомий

مراجعة: شمس الدين درغامي

Риёз шаҳри Рабва маҳалласи диний тарғибот идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1430 – 2009

islamhouse.com

الحمد لله رب العالمين ولا إله إلا الله الحق المبين والعاقبة للمتقين والصلاه والسلام على محمد خاتم النبيين وعلى آله وصحبه وأهل بيته أجمعين وعلى التابعين له م بإحسان إلى يوم الدين وبعد:

Бу "шамоили муҳаммадия" китобидан бўлаётган иккинчи дарсимиз бўлиб, иншааллоҳ бу дарсда биринчи бобни тугатиб, иккинчи бобга киришамиз.

8 - حدثنا سفيان بن وكيع قال حدثنا جمیع بن عمیر بن عبد الرحمن العجلی املاء علينا من كتابه قال اخبرني رجل من بنی قیم من ولد ابی هالة زوج خدیجہ یکنی ابی عبد الله عن ابن ابی هالة عن الحسن بن علی رضی الله عنہما قال سالت خالی هند بن ابی هالة وكان وصافا عن حلیة رسول الله وانا اشتھی ان یصف لی منها شيئاً اتعلق به فقال كان رسول الله فخما مفخما يتلاؤ وجهه تاللؤ القمر ليلة البدر أطول من المربع وأقصر من المشذب عظیم الهامة رجل الشعرا إن انفرقت عقیقته فرقها والا فلا يجاوز شعره شحمة أذنیه إذا هو وفره أزهرا اللون واسع الجبین أزوج الحواجب سوابع من غير قرن بينهما عرق يدره الغضب أقنى العرین له نور يعلوه يحسبه من لم يتأمله أشم كث اللحیة سهل الخدین ضلیع الفم مفلج الأسنان دقیق المسربة کأن عنقه جید دمیة في صفاء الفضة معتدل الخلق بادن متماساک سواه البطن والصدر عریض الصدر بعيد ما بين المنکین ضخم الكرادیس أنور المتجرد موصل ما بين اللبة والسرة بشعر يجري كالخط عاري الثديین والبطن ما سوی ذلك أشعر الذراعین والمنکین وأعلى الصدر طویل الزندین رحب الراحة شن الكفين والقدمین سائل الأطراف أو قال شائل الأطراف حمان الأحصین مسیح القدمین ینبو عنہما الماء إذا زال زال قلعا يخطو تکفیا ویمشی هونا ذریع المشیة إذا مشی کأنما ینحط من ص بب وإذا التفت التفت جیعا خافض الطرف نظره إلى الأرض أكثر من نظره الى السماء جل نظره الملاحظة یسوق أصحابه ويبدأ من لقی بالسلام

Ҳасан ибн Алийдан ривоят қилинади: У киши тоғам Ҳинд ибн аби Ҳоладан сўрадим, у киши Росулуппоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўриниш қиёфаларини кўп таърифлар эдилар. Шу сифатлардан

бирортасини айтиб берсалару, мен уни ўрганиб ёдлаб олсам - деб орзу қилардим.

Тоғам айтдиларки: Ресуллоро саллаллоҳ алайҳи васаллам жисмонан етүк, қалбларда ҳурмат иззатга сазовор олий жаноб шахс эдилар. Юзларидан ойнинг тўлин кечасидаги нуридек нурлар тараплар эди. Ўрта бўйдан салгина узунроқ жуда баланддан пастроқ, бошлари каттароқ, ўрта сочлик эдилар, агар соchlari ёзиқ ҳолатда бўлса, иккига фарқлар эдилар, агар ёзилмаган бўлса орқаларига бир бойлам қилиб олардилар, шунда ён тарафдан соchlari қулоқ юмшоғидан ўтиб кетмас эди. (соҳ ўрими ҳақида келгуси бобда батафсил сўз юритилади иншааллоҳ) Ҳадиснинг давомида айтадиларки: очик чеҳралиқ, пешоналари кенг, камон қошлари сер тук бўлишига қарамай, бир бирига туташмаган эди, икки қош ўртасидан томир ўтган бўлиб, ғазаблангандан бўртиб кўриниб қоларди, бурунлари узун ва қирра бурун эди, буруннинг тепа қисмида нур бор эди, тикилмай қараган киши у нурни дўнгбурунлик деб ўйларди аслида ундай эмас эди, серсақол, юзлари тиник, катта оғизлик, икки олд курак тишларининг икки чекаси сал очикроқ жойлашган эди. Кўкрак ўртасидаги туклар бир чизиқ шаклида киндикгача етиб келган, бўйинлари худди кумушдан ишланган суратнинг бўйнидек оқ эди, кўкрак ва қорин бир теккис бўлиб, бири биридан олдинга бўртиб чиқиб турмасди. Кенг кўкраклик ва кенг елкалиқ, катта бошлиқ эдилар. Икки кўкрак ўртасидаги киндикгача етиб келган узун чизиқ шаклдаги туклардан бошқа кўкрак ва қорин атрофларида тук бўлмаган эди.

Икки билак, икки елка ва кўкракнинг тепа қисмларида эса туклар бор эди. Икки билаклари катта, кенг кафтлик, оёқ қадам босар ўрни ҳам катта эди. Қўл ва оёқ бармоқлари бўлиқ-бўлиқ эди. Оёқ остининг ўрта қисми ердан ўта кўтарилиб ҳам, жуда ерга ёпишиб ҳам турмас эди ва ниҳоятда силлик оёқ бўлиб, ёрилган ўринлар йўқ агар сув истеъмол қилинса, сув юқмасди. Агар юрсалар худди тепа қиялиқдан тушиб келаётгандек оёқларини ердан дадил кўтариб, олдинга мойил бўлиб, оҳиста ва катта қадам босардилар. Агар атрофларига қарамоқчи бўлсалар, бутун жисмлари билан бурилиб қарап эдилар. Кўзларини ерга қуий қилиб, ерга бўлган назарлари осмонга бўлган назарларидан кўпроқ эди. Аксар нигоҳлари тафаккурлик эди. Юрсалар Асҳоблар ортидан юрар, йўлиқканга биринчи бўлиб салом беришга шошар эдилар.

9 – حدثنا ابو موسى محمد بن المثنى حدثنا محمد بن جعفر حدثنا شعبة عن سماك بن حرب قال سمعت جابر بن سمرة يقول كان رسول الله ضليع الفم أشكل العين منهوس العقب قال قلت ما ضليع الفم قال عظيم الفم قلت ما أشكل العين قال طويل شق العين قلت ما منهوس العقب قال قليل حم العقب

Жобир ибн Самурадан ривоят қилинади: У киши; Ресуллоро саллаллоҳ алайҳи васаллам "залиул фам" "ашкалул айн" "манхусул ақиб" бўлганлар дедилар. Ровийлардан бири Шўъба исмлиқ киши Симак исмлиқ кишидан "залиул фам" нима деб сўрасам. У оғизнинг катталиги -деб жавоб қилди - дейдилар. "Ашкалул айн" нима? - дедим. У катта кўзлик - деди. "Манхусул ақибчи"- десам. У товоннинг камгўштлиги - деб жавоб қилди - дейдилар.

10 - حدثنا هناد بن السري حدثنا عبشر بن القاسم عن أشعث يعني ابن سوار عن أبي اسحاق عن جابر بن سمر ة قال رأيت رسول الله في ليلة إضحيان وعليه حلة حمراء فجعلت أنظر إليه وإلى القمر فلهمو عندي أحسن من القمر

Жобир ибн Самурадан ривоят қилинади : Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни ойдин кечада кўрдим, эгниларида қизил ридо ва изор бор эди. Дам у зотга, дам ойга қарайман, назаримда у киши ойдан ҳам нурафшон эдилар - дедилар.

11 - حدثنا سفيان بن وكيع حدثنا حميد بن عبد الرحمن الرؤاس عن زهير عن أبي اسحاق قال سأله رجل البراء بن عازب أكان وجه رسول الله مثل السيف قال لا بل مثل القمر

Абу Исҳоқдан ривоят қилинишича у киши айтадиларки: Бир киши Баро ибн Озибдан Росулуллоҳнинг юзлари қиличдекмиди? - деб сўради. Шунда йўқ балки ойдек эди - дея жавоб қилдилар.

12 - حدثنا أبو داود المصاحفي سليمان بن سلم حدثنا النضر بن شمیل عن صالح بن أبي الأخضر عن ابن شهاب عن أبي سلمة عن أبي هريرة رضي الله عنه قال كان رسول الله أليض كأنما صيغ من فضة رجل الشعر

Бу ҳадис Абу Ҳурайрадан айтадиларки:  
Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам худди кумушдан қуйиб олингандек оқ юзлик, тўлқин соч эдилар.

13 - حدثنا قتيبة بن سعيد قال أنا الائـث بن سـعد عن أبي الزـبير عن جـابر بن عبد الله ان رسول الله قال عرض على الأنـبياء فإذا مـوسى عليه السلام ضـرب من الرـجال كـأنه من رـجال شـنوة ورأـيت عـيسـى ابن مـريم عـلـيـه السـلام فإذا أـقـرب مـن رـأـيت بـه شـبـها عـروـة بن مـسـعـود ورأـيت إـبرـاهـيم عـلـيـه السـلام فإذا أـقـرب مـن رـأـيت بـه شـبـها صـاحـبـكـم يعني نـفـسـه ورأـيت جـبـرـيل عـلـيـه السـلام فإذا أـقـرب مـن رـأـيت بـه شـبـها دـحـيـة

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: У киши айтадилар: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадиларки: Менга

пайғамбарлар кўрсатилди, Мусо алайҳи саломни кўрдим, у киши Шануа кишилариdek эканлар. (Шануа Яманлик ўрта қомат қабилалардан бири) Ийсо алайҳи саломни кўрдим, Урва ибн Масъудга ўхшар эканлар. Иброҳим алайҳи саломни кўрдим у киши сизларнинг сохибингизга ўхшар эканлар. -деб (ўзларига ишора қилдилар) Жаброил алайҳи саломни ҳам кўрдим, у зот Дехяга ўхшар эканлар.

**Изоҳ:** Бу кўрсатилиши меъроjж кечасида бўлган, Жаброил алайҳи васалламнинг бу ўхшатилиши инсон қиёфасида келган ҳолларидаидир. Ўз шаклларида ҳам у зотни Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам икки маротаба кўрганликлари бошқа ҳадисларда ривоят қилиниб, олти юзта қанотлари борлиги зикр қилинган.

14 - حدثنا سفيان بن وكيع ومحمد بن بشار المعنى واحد قالا أنا يزيد بن هارون عن سعيد الجريري قال سمعت أبا الطفيلي يقول رأيت النبي وما بقي على وجه الأرض أحد رآه غيري قلت صرفه لي قال كان ابيض مليحا مقصدا

Сайд Ал-Журайрийдан ривоят қилинади у киши Або Туфайлдан эшитдим - дейдилар. Абу Туфайл мен Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўрганман, ҳозир ер юзида у зотни кўрган мендан бошқа инсон қолмади дедилар. Шунда мен Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни менга сифатлаб берсангизчи дедим. У киши айтдиларки: У зот чиройлик, оқ юзлик, ўрта қомат эдилар.

15 - حدثنا عبد الله بن عبد الرحمن أنا إبراهيم بن المنذر الخزامي أنا عبد العزيز بن ثابت الزهرى ثنى اسماعيل بن إبراهيم ابن أخي موسى بن عقبة عن موسى بن عقبة عن كريب عن ابن عباس قال كان رسول الله أفالج الشنتين إذا تكلم رؤي كالنور يخرج من بين ثنياه

Ибн Аббосдан ривоят қилинади у киши айтадилар: Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки олд курак тишлари билан икки олд тишларининг ёнидаги тишлари ораси очиқ бир биригага бирикмаган эди. Гапиргандаридаги гўё тишлари орасидан нур чиқаётгандек бўлар эди.

(2) باب ما جاء في خاتم النبوة  
[ وفيه 8 أحاديث ]

2- Боб

**Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муҳрлари ҳақида  
келган ҳадислар баёни.**

**Изоҳ:** Аввалом бор бу муҳр ўзи нима? деган саволга бир тўхталиб, бунга уламоларимизнинг жавобларидан намуна келтирсак. Оллоҳ таоло ҳар бир пайгамбарга унинг чинакам пайгамбар эканлигини исботловчи мўжизаларни берган, шунингдек сўнги пайгамбари Мухаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам бир қанча мўжизаларни инъом қилди. Бироқ у кишини бутун пайгамбарларга бермаган икки кураклари ўртасидаги муҳр мўжизаси билан улардан фарқлади, бунинг сабаби ҳақида Уламолардан бири Бурҳониддин Ҳалабий исмлик аллома бундай дейдилар. "Бунинг бир қанча ҳикматлари бор, шу ҳикматларидан бири бу муҳр Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам пайгамбарларнинг сўнгиси эканликларига далолат қилиб, у кишидан кейин пайгамбар йўқлигини билдиради, чунки пайгамбарлик у киши билан якунланди, Оллоҳ таоло муҳрлаган нарса энди қайтиб очилмайди". Демак кимда ким у зотдан кейин пайгамбарликни даъво қиласа экан албатта у ёлғончилардандир. Бу муҳр қачон берилганини ҳақида уламолар ўрталарида ихтилоф бўлиб, муҳаддис уламоларнинг машҳурларидан бири Ибн Хажар бу бобда келган барча ҳадислар тақозосига кўра бу муҳр Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам тугилган вақтларида бўлмаган, балки Ҳалима Саъдиянинг ҳовлисида икки малоика кўкракларини ёришганда, муҳрни икки кураклари ўртасига қўйишган - дейдилар.

16 – حدثنا قتيبة بن سعيد أنا حاتم بن إسماعيل عن الجعد بن عبد الرحمن قال سمعت  
السائل بن يزيد يقول ذهبت بي خالي إلى رسول الله فقالت يا رسول الله إن ابن اختي  
ووجع فمسح رأسي ودعا لي بالبركة وتوضأ فشربت من وضوئه وقمت خلف ظهره  
فنظرت إلى الخاتم بين كتفيه فإذا هو مثل زر الحجلة

Соиб ибн Язиддан ривоят қилинишича, айтадиларки: Холам мени Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига олиб бориб ё Росулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жияним хаста бўлиб қолди. -дедилар. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам мени бошимдан силаб Оллоҳдан менга барака тиладилар, сўнг таҳорат қилдилар. Мен таҳорат сувларидан ичиб орқаларида турдимда икки кураклари ўртасидаги муҳрга қарадим. У худди хажала яъни какликнинг тухумидек экан.

**Изоҳ:** Араб тилида хажаланинг бошқа маънолари ҳам бор экан, лекин имоми Термизий каклик тухуми деган маъно мақсадга мувофиқроқдир, чунки бошқа ривоятда кабутар тухумидек деб ҳам келган, албатта бу ривоят аввалгисини қўллайди, чунки каклик кабутар тенглигидадир, у ривоят ҳам шу ҳадисдан кейин зикр қилинади.

Бу ҳадисдаги таҳорат сувларини ичишлари, таҳорат вақтида аъзоларидан оқиб томаётган, ёки шу аъзоларда нам бўлиб турган сувлар бўлиб, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг баракотларидан баҳраманд бўлиш мақсадида ичганлар. Бошқа ривоятларда ҳам саҳобалар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг таҳорат сувларини талашганликлари келган. Маълумки саҳобалар яхшилик йўлида бир-бирлари билан мусобақа қилишарди.

17 - حدثنا سعيد بن يعقوب الطالقاني أنا أويوب بن جابر عن سماك بن حرب عن جابر بن سمرة قال رأيت الخاتم بين كتفي رسول الله غدة حمراء مثل بيضة الحمام

Жобир ибн Самура ривоят қиладилар: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки кураклари ўртасидаги муҳрни қўрдим, у худди кабутар тухумидек қизил без эди.- дейдилар.

**Изоҳ:** Яъни муҳрнинг ҳажми кабутар тухуми баробарича демоқчилар.

18 - حدثنا ابو مصعب المدي أنا يوسف بن الماجشون عن ابيه عن عاصم بن عمر بن قتادة عن جدته رميثة قالت سمعت رسول الله ولو أشاء أن أقبل الخاتم الذي بين كتفيه من قربه لفعلت يقول لسعد بن معاذ يم مات اهتز له عرش الرحمن

Осим ибн Умар ибн Қатода бувилари Румайсо розиёллоҳу анҳодан ривоят қилишларича, у аёл айтадиларки: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан эшиитганман, -агар икки кураклари ўртасидаги муҳрни бўса қилишни ҳоҳлаганимда имкони бор эди- Саъд ибн Муоз ўлган кун Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Раҳмоннинг арши Саъд учун тебранди.- деганлар.

**Изоҳ:** Ҳадисни эшиитган вақтда яқин турган ҳолатларини ҳам айтиб ўтияптилар, бу эса ҳадиснинг қадрини янада оширади. -Дейди муҳаддис уламолар, чунки ровий эшиитиши вақтида диққат ва эътиборлик бўлиб ўша ҳолатини ҳам зикр қилиши ҳадисда хатога йўл қўймаслигига олиб борадиган омиллардан.

19 - حدثنا احمد بن عبدة الضبي وعلي بن حجر وغير واحد قالوا أنا عيسى بن يونس عن عمر بن عبد الله مولى غفرة قال ثني إبراهيم بن محمد من ولد علي بن ابي طالب رضي الله عنه قال كان علي رضي الله عنه إذا وصف رسول الله فذكر الحديث بطوله وقال بين كتفيه خاتم النبوة وهو خاتم النبيين

Алий ибн аби Толибдан ривоят қилинади: У киши агар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламни сифатлайдиган бўлсалар, икки кураклари ўртасида пайғамбарлик муҳри бор эди ва у зот пайғамбарлар хотимаси яъни сўнгиси - дер эканлар.

20 - حدثنا محمد بن بشار أنا أبو عاصم أنا عزرة بن ثابت قال ثني علباء بن أحمر اليشكري قال حدثني أبو زيد عمر بن أخطب الأنصاري قال قال لي رسول الله يا أبا زيد أدن مني فامسح ظهره فمسحت ظهره فوقيع أصابعي على الخاتم قلت وما الخاتم قال شعرات مجتمعات

Аби Зайд Амр ибн Ахтаб ал-Ансорийдан ривоят қилинади:  
Айтадиларки: Ресулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам менга эй Або  
Зайд менга яқинроқ келиб орқамни сила дедилар, мен орқаларини  
силадим, қўлим хотамга яъни муҳрга тегди, ровийлардан бири айтадики:  
хотам нима? -деб сўрасам у озгина туклардан иборатдир. - деди

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين.